

## **ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “КОМПОЗИЦИЯ” ЎҚУВ ФАНИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ**

**Хасанова Муниса Зиёдулла қизи**

Низомий Номидаги ТДПУ Тасвирий санъат кафедраси катта ўқитувчиси.

Телефон: +998 (90) 980 29 14

[hasanovamunisa99@gmail.com](mailto:hasanovamunisa99@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*Тасвирий санъат тарихидан маълумки, соҳада амал қилаётган қонуниятлар, айниқса, композиция қонуниятлари устувор тарзда академизм қонуниятлари негизига қурилган. Бу қонуниятларга кўп асрлардан буён амал қилиб келинади. Шунинг учун бир қарашда бу қонуниятларга ўзгартириш киритишга зарурият йўқдек кўринади. Бироқ, ҳар бир даврнинг ўзига хос инновациялари бўлиб, улар амалдаги қонуниятларга замонавий талаб, эҳтиёж, мафкура, ва ниҳоят, энг муҳими, ижтимоий-таълимий зарурият нуқтаи назаридан янгича мазмун билан бойитиб борилади. Ана шу омил, биринчи навбатда, олий педагогик таълим тизимида “Композиция” ўқув фанини инновацион технологиялар асосида ўқитиш тизимини такомиллаштиришнинг мазмуни, методлари, воситалари, шакллари ва уларга монанд педагогик шарт-шароитларни ишлаб чиқиш ҳамда уни таълим амалиётига татбиқ этиш механизмларини яратишда амал қилади.*

***Калит сўзлар:** Композиция, инновацион технологиялар, таълим, метод, восита, таълим тизими, ижодкор, таълим амалиёти.*

## **ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОБУЧЕНИЯ ПРЕДМЕТУ «КОМПОЗИЦИЯ» НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**Хасанова Муниса Зиёдулла қизи**

Старший преподаватель кафедры изобразительного искусства Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами.

Телефон: +998 (90) 980 29 14

[hasanovamunisa99@gmail.com](mailto:hasanovamunisa99@gmail.com)

## АННОТАЦИЯ

*Из истории изобразительного искусства известно, что действующие в этой области законы, особенно законы композиции, преимущественно основаны на законах академических. Эти законы действовали веками. Таким образом, на первый взгляд кажется, что нет необходимости вносить поправки в эти законы. Однако каждый период имеет свои нововведения, которые обогащаются новым содержанием с точки зрения современных требований, потребностей, мировоззрения, а главное, социально-воспитательной необходимости действующих законов. Этот фактор прежде всего отражается в разработке содержания, методов, средств, форм и подобных педагогических условий совершенствования системы обучения предмету «Композиция» на основе инновационных технологий в системе высшего педагогического образования и его внедрения в образовательную среду.*

**Ключевые слова:** *Композиция, инновационные технологии, образование, метод, инструмент, система образования, творчество, образовательная практика.*

## **PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR IMPROVING THE SYSTEM OF TEACHING THE SUBJECT "COMPOSITION" ON THE BASIS OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SYSTEM OF HIGHER PEDAGOGICAL EDUCATION**

**KHasanova Munisa**

Senior Lecturer, Department of Fine Arts, Tashkent State Pedagogical University  
named after Nizami.

Phone: +998 (90) 980 29 14

[hasanovamunisa99@gmail.com](mailto:hasanovamunisa99@gmail.com)

## **ABSTRACT**

*It is known from the history of fine arts that the laws in force in this area, especially the laws of composition, are predominantly based on academic laws. These laws have been in place for centuries. Thus, at first glance it seems that there is no need to amend these laws. However, each period has its own innovations, which are enriched with new content in terms of modern requirements, needs, worldview, and most importantly, the social and educational necessity of existing laws. This factor is primarily reflected in the development of content, methods, means, forms and similar pedagogical conditions for improving the system of teaching the subject*

*"Composition" based on innovative technologies in the system of higher pedagogical education and its introduction into the educational environment.*

**Keywords:** *Composition, innovative technologies, education, method, tool, education system, creativity, educational practice.*

## **КИРИШ**

Композициянинг асосий маҳсули – бадий образ фалсафий-психологик асосларга ҳам эга бўлиб, биринчи галда, тафаккур қилишни талаб қилади. Тафаккур мия фаолиятининг маҳсули сифатида кўп компонентли структурага эга бўлиб, бадий тафаккур интеллектуал тафаккур каби умуман тафаккурнинг олий даражаси саналади. Тасвирий фаолиятда, хусусан “Композиция” ўқув фанини ўқитишда талабаларда бадий тафаккур юритиш компетенцияларини таркиб топтириш ва ривожлантириш, аввало, тасвирий санъат қонуниятларини мукамал эгаллаш билан боғлиқ. Бундай натижага муайян педагогик шарт-шароитлар таъминланган таълимий жараёнлар орқали эришилади. Бу жараёнда талаба босқичма-босқич ижодий жараённинг ўзаро алоқадорликдаги қуйидаги компонентларини ўзлаштириб бориши талаб этилади:

тасвирий санъат, композиция яратиш қонуниятларини ўзлаштириб бориш;  
бадий тафаккур юритиш компетенцияларини ривожлантириб бориш;

борликни, ундаги воқеа ва ҳодисларни эстетик идрок этиш ҳамда уларни таҳлиллари асосида баҳолаш ва муносабат билдириш;

таҳлилий материалларни қайта ишлаш орқали бадий образ учун информациялар жамлаш ҳамда улардан ижодий-тасвирий фаолиятда фойдаланиш.

Юқоридаги операциялардан сўнг ижодий фаолиятнинг кейинги фазаси бошланади. Буни В.Декомб назариясига кўра тасаввур қилиш жараёни деб ҳам аталади. Айнан тасаввурдан ғоя юзага келиб, бу ғоя бадий образ учун асос бўлади. Бу, кенг маънода ҳаётий тасаввурлар асосида шаклланган образлар бўлади.

Таниқли рассомларнинг классик намуна сифатидаги композицияларини идрок этиш, таҳлил қилиш ва хулоса орқали талабада мустақил композиция яратишга оид мулоҳазалар шаклланади. Шу мулоҳазалар тасвирий санъат қонуниятлари билан синтетик татбиқ этилиши натижасида талабаларда композицион мушоҳада юритиш компетенциялари шакллантирилади.

Олий педагогик таълим тизимида “Композиция” ўқув фанини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари тизимида қўлланиладиган технологияларни

композицион мушоҳаданинг яна бир муҳим компоненти – фантазияни ривожлантиришга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Фантазия санъатнинг ижодий яратувчи функцияси сифатида борлиқдаги оддий ҳолатларни янги маънавий бойлик сифатида қайта ишловчи механизмидир. Фақат бу бойлик яратишда унинг ижодкоридан амал қилинадиган билимлар мажмуига эга бўлиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам композиция фанини ўқитишда талабаларда фантазияни ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Санъат фалсафасини тадқиқотчиларидан бири А.Банфи бадиий ижодиётнинг умумий компонентлари тизимида унинг энг муҳим, устувор компонентлари сифатида фантазияга алоҳида урғу беради. А.Банфи ўзининг “Санъат фалсафаси” номли фундаментал илмий асарида фантазиянинг асосида ижод ётиши, улар бир-бирсиз мавжуд эмаслигини эътироф этади. Фантазияси ривожланган инсон атроф-муҳит ва ундаги воқеа ва ҳодисаларни шунчаки кўрмайди, балки уларнинг ҳар бирида ўзига хос бадиий образни кўра олади. Шу тариқа фантазия орқали оддий шакллар бадиий қийматга эга ижод маҳсулига айланади. Фақат ижодий ёндашув орқали шакл ва мазмун мутаносиблигига эришиш лозим бўлади. Зеро, шакл ва мазмун мутаносиблиги композицияни, ижод маҳсулини баҳолашнинг асосий параметри ҳисобланади. Шунинг учун талабаларнинг композицион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга бадиий таълимда, хусусан, “Композиция” ўқув фанини ўқитишда алоҳида аҳамият қаратилади. Бу борада замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда тарихий-фалсафий манбалар асосида талабаларнинг назарий билимларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода Аристотель, Гегель сингари файласуфларнинг шакл ва мазмунга оид фалсафий категориялар ҳақидаги таълимотлари муҳим манба вазифасини ўтайди.

Шакл ва мазмун фалсафий категория сифатида бадиий образдаги тавсифи уларни диалектик мазмунга эгаллигини англатади. Гегель биринчилардан бўлиб шакл ва мазмуннинг диалектик алоқадорлигини асослаб берган. Мазмун – санъат асари таркибидаги, унинг структурасидаги барча компонентларнинг мантиқий алоқадорлиги, яхлитлиги, бир бутунлигини англатади. Шакл эса шу мазмунни ташқи оламга тақдим этиш тартибидир. Улар турлича функция бажарсада, аслида диалектик жиҳатдан ягона функция бажаради. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ҳар иккиси, яъни ҳам мазмун, ҳам шаклни

оптимал тарзда намоён бўлиши ижодкорнинг изланувчанлик компетенцияси даражаси билан белгиланади. Демак, композиция дарслари мазмунини такомиллаштиришда изланувчи жараённинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Тасвирий фаолият мисолида изланувчи жараён маҳсули сифатида бўлажак композиция ечимига оид қораламалар, эскизлар, композиция вариантларининг турли вариациялари бўлиши мумкин.

Ижодий изланиш жараёни оддий таассуротлар, улар асосида юзага келадиган фантазияларни босқичма-босқия юзага келиши ҳамда мазмун ва шакл нуқтаи назаридан мукаммаллашиб бориши универсал рецепт асосда ташкил этилиши мумкин эмас. Зеро, ҳар бир ижодкор, бизнинг мисолимизда композиция асосларини ўзлаштираётган талабанинг ҳар бири ижодий жараёндаги фаолиятига кўра ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам “Композиция” ўқув фанидан таълим бериш жараёнида, унинг мазмуни ва методикасини, хусусан, тавсия этилаётган инновацион технологияларни такомиллаштиришда ҳар бир талабанинг индивидуаллиги, албатта, эътиборга олиниши лозим.

Тасвирий санъат таълимининг барча босқичларида, жумладан, олий педагогик таълимда бадиий образ масаласи таълимнинг асосий дидактик вазифаси сифатида қараб келинади. Тасвирий санъатда бадиий образ эса ўзига хос қонуниятлар асосида яратилганлигидан ташқари, муайян янгиликни тақдим этиши лозим. Масалан, томошабин ўзига таниш манзарани тасвирий талқинини томоша қилар экан, унда оддий кўз билан илғаш мумкин бўлмаган, фақат рассомнинг нигоҳи ва бадиий-эстетик идроки билан тасвирланган ўзига хос янгилик бўлиши лозим. Шундагина бу асар эстетик қийматга эга бўлади. Демак, бадиий-эстетик идрок “талабаларни ғояни пишириш, уни намоён этиш шаклини топиши, шу тариқа босқичма-босқич трансформация йўли билан, композиция воситасида бадиий образ яратиш” мумкин бўлади

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кўп ҳолларда у ёки бу ҳолатни ўзгартириш, хусусан, такомиллаштиришда таълим олувчиларнинг индивидуаллигига эътибор қаратиш талаб этилади. Бошқача талқинда бу индивидуаллик белгиловчи параметрларга асосланиши лозим. Бу параметрлар тизимида ижодий тайёргарлик даражаси, бадиий образни тарихий-фалсафий ва адабий мазмундаги билимлар асосида шаклланганлик даражаси, турли ҳолатлар, ҳодисаларга нисбатан қизиқиш, уларни эмоционал-эстетик рефлексия қилишга психологик жиҳатдан тайёрлик даражаси каби алоҳида эътиборга олиниши талаб этилади.



Таъкидлаш жоизки, талабаларни композицияга оид компетенцияларини ривожлантиришда назарий билим, тасаввурларни амалий татбиқи, амалий тасвирий-ижодий фаолият воситасида ўзига хос тарзда синовдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тасвирий саводхонликни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асосларини яратишда Г.В.Беданинг концепциясига асосланиш мақсадга мувофиқ. Айнан шу жараёнда талабаларнинг композицион мушоҳадалари ойдинлашиб боради. Шу тариқа қайси босқичда нимага эътибор қаратиш лозимлиги аниқланиб, жараёнга муайян коррективкалар киритиб борилади.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, композиция тасвирий-ижодий фаолиятнинг энг юқори даражаси сифатида, бир неча бор таъкидлаб ўтканимиздек, тасвирий санъат қонуниятларига асосланиши тасвирий санъат асарини, хусусан, унинг композициясининг асосий замини ҳисобланади. Акс ҳолда талаба (рассом) тасаввуридаги эмас, балки нимани бажара олса, ўшани ишлайди<sup>1</sup>. Бу жараёнда, шунингдек, композиция яратувчисининг хотираси, қораламалар ишлаш жараёнида орттирган тажрибаси, айниқса, фантазияси композиция яратишнинг ўзига хос “ижодий озукаси” ҳисобланади.

Психологик тадқиқотларда санъатнинг методологик моҳияти бевосита билиш жараёни билан боғлиқлиги асослаб берилган. Шунингдек, мазкур муаллифларнинг тадқиқотларида тасвирий фаолиятда бу жараён ўзига хос тарзда кечиш, унинг босқичлари атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни, объект ва буюмларни кузатиш, идрок этиш, таҳлил қилиш асосда муайян тасаввур, таассуротлар шаклланиши ҳамда улар асосида бадиий образлар яратилиши таъкидлаб ўтилган. Демак, композиция дарслари мазмунини такомиллаштиришда, биринчи навбатда, талабаларнинг эстетик тасаввурлари, бадиий мушоҳада юритишга оид компетенциялари ҳал қилувчи рол ўйнаши эътиборга олинishi талаб этилади, яъни сезиш, ҳис қилиш асосида мантикий-композицион фикрлаш компетенциялари шаклланган бўлиши лозим. Мазкур масала юзасидан О.К.Тихомиров бадиий тафаккурга етакловчи босқичлар сифатида эгалланган билимларни фикрлашга асос бўлиши, фикрлаш билим эгаллашга йўналтирилган жараён сифатида намоён бўлишини кўрсатиб ўткан. Шундай қилиб, олий бадиий-педагогик таълимда “Композиция” ўқув фанини ўқитишда талабаларнинг композицияга оид билимларини ривожлантиришда унинг мазмунини такомиллаштириш ҳамда унга монанд педагогик шарт-

<sup>1</sup> [Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты: рисунок, живопись, композиция. Учебное пособие для студентов пед. институтов.–М.: Просвещение, 1981. – 239 с].

шароит яратиш учун қуйидаги омилларга йўналтирилган таълимий муҳитни яратиш лозим.

Идрок этиш билан боғлиқ бўлган махсус топшириқларни бажариш жараёнида ақлий фаолиятнинг турли компонентлари яхлитлиги ва алоқадорлигини назарда тутувчи композицион фаолият; кузатилган, идрок этилган ҳодиса ва буюмларнинг ташқи ва ички алоқадорлик хусусиятларини билишга фаол муносабат; идрок этилган образни бадиий образ сифатида трансформациялаш; тарихий-бадиий мазмундаги билимларнинг кўламининг кенглиги ва уларга нисбатан эстетик муносабатларни шаклланганлиги; тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан фойдалана олиш компетенциялари. Шу ерда бадиий ижодиётда кўп кузатиладиган ҳолатларни эслаш ўринли. Санъат тарихида кўп бор кузатилган, буюк кўшиқ яратилиш жараёнида бастакор шеърни ўқиётган чоғида асар мусиқси шеър мутолааси жараёнида ёғилиб келган. Тасвирий санъат соҳасида айнан шундай ҳолат содир бўлмасда, композиция ечимларини тақдим этувчи омиллар мавжудлиги таъкидланади. Композиция муаммолари тадқиқотчиси С.А.Дроздовнинг таниқли рус rassomi И.Н.Крамскойнинг фикрларини келтирилиши юқоридаги фикрларнинг тавсифи сифатида қаралиши мумкин, яъни И.Н.Крамской ўз хотираларида ёзадики, “Композицияни, токи таълим олувчи атрофидаги қизиқарли ва муҳим нарсаларни кузатиш ва англашни ўрганмас экан, айнан ўқитиш мумкин эмас. Атрофдаги қизиқарли воқеликларни идрок этишни ўргангандан сўнггина rassomда ғояни шакллантириш ҳамда уни композиция сифатида шакллантириш ўз-ўзида содир бўлаверади”.<sup>2</sup>

Талабаларда композициянинг асосий параметрлари – объект ва буюмларни эстетик идрок этиш, бадиий образни, композиция ечимига оид вариантларни тасаввур қилиш компетенцияларини шакллантириши махсус ишлаб чиқилган машқлар тизими орқали амалга оширилади. Хусусан, кўз учун танланадиган, бажариладиган машқлар эмоционал-эстетик идрокни ривожлантиришни, қўл учун ишлаб чиқилган машқлар тизими эса композиция мантиғини тасвирий-ифодавий воситалар билан тасвирлаш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Шу тариқа талабаларда образли тасаввурларни шакллантиришга комплекс ёндашувни таъминловчи педагогик шарт-шароит яратилади. Композициянинг бу қонуниятини таниқли француз rassomi Пол

<sup>2</sup> [Дроздов С.А. Специальные упражнения по композиции как средство развития образного мышления студентов-заочников 1-2 курсов художественно-графических факультетов. Дис. канд.пед. наук. – М.: 2001. – С.33.].

Сезанн образли тарзда талқин этиб, рассомда икки нарса бўлиши лозимлигини уқтириб ўтади. Унинг фикрича, биринчисини кўл, иккинчисини кўз деб атайди, яъни кўз кўриб англайди, кўл эса тасвирий воситалар билан ифодалайди. Шу тариқа тасвирий-ижодий фаолият жараёнида улар бир-бирига ёрдам беради. Уларни ўзаро ҳамоҳанг тарзда ривожланишига кўз учун табиат, атроф-муҳит ва ундаги воқеа ва ҳодисалар, буюм ва объектларни кузатиш, интеллектуал салоҳият компетенциясига эса ифодавий воситалар мантиғини англаш орқали эришилади.

Композиция тасвирий фаолиятнинг юқори даражадаги фаолият соҳаси бўлиб, унинг натижалари муайян мезонлар асосида баҳоланади. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

интеллектуал салоҳиятнинг танқидий-таҳлилий мушоҳада юритиш даражаси;

интелектнинг янги ечимлар топиш имконияти, яъни композициянинг мантиқий вариатив кўринишларини топа олиш компетенцияси;

фикрлаш характерини аниқлиги, муаммонинг барча жабҳаларини қамраб олиш;

фикрлаш тезлиги, айти пайтда унинг интеллектуал фаолиятнинг бошқа компонентлари билан алоқадорлиги;

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш ўринлики, композицияни ўқитиш жараёнида бир қатор расмийчиликка(дастур талабларини бажариш шартлилиги, укув топшириқларини бажариш учун ажратилган твақтнинг камлиги ва ҳ.к.) мойиллик ҳолатлари кузатилса-да, композицион фаолиятнинг самарадорлигини таъминловчи асосий мезонлар, шубҳасиз, тасвирий саводхонликка оид компетенция ҳисобланади. Тасвирий саводхонликни белгиловчи асосий параметрлар тизимида эса компановка, нисбат, нур ва соя, ранг ва шакл, конструкция, буюмларнинг фазо ва макондаги ҳолати, перспектива каби оддий қонуниятлардан ташқари анатомия, пластика, динамика, раншунослик каби масалалр композиция дарсларини самарали ташкил этишнинг муҳим шартларидан биридир. Талабаларнинг бу борадаги компетенциялари дидактиканинг босқичма-босқич ривожланиш принципи асосида шакллантирилади ва ривожлантирилади. Педагогика концепцияларига кўра ўқув материалларини босқичма-босқич ўзлаштириш принципи тасвирий санъат таълими, хусусан, композицияни ўқитишда ҳам асосий принциплардан бири саналади. Бу принципнинг асосий қонуниятларига кўра “Композиция” ўқув фанининг хос қонуниятлари мавжуд. Бу, биринчи навбатда, табиатдаги



воқеа ва ҳодисалар, атроф-муҳитдаги объект ва буюмларни таҳлилий кузатиш, эстетик идрок этиш, шаклланган таассуротларни таҳлилий қайта ишлаш асосида бадиий образ сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ бадиий-интеллектуал ривожланиш босқичлари бўлса, иккинчидан, бир неча бор таъкидлаб ўтканимиздек, амалий жиҳатдан умумлаштирилган ҳамда мазмунан мантиқий жиҳатдан асосланган бадиий образ – композиция яратиш билан якун топади. Бадиий идрок этиш аниқ мақсадга йўналтирилган психологик фаолият бўлиб, ҳис қилиш, англаш, фикрлаш, таҳлил қилиш, синтезлаш орқали умумлашган бадиий образ шаклида гавдаланади. Демак, олий педагогик таълим тизимида “Композиция” ўқув фанини инновацион технологиялар асосида ўқитишни такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари тизимида бу омиллар муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Талабаларда композицион мушоҳада юритиш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда уч турдаги машқлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Биринчи йўналиш бадиий интелектнинг аналитик сифатларини ривожлантириш, иккинчи йўналиш аналитик мушоҳада орқали шакллантирилган турли омилларни “омухталаштириш”, синтетик умумлаштириш орқали учинчи йўналиш – ижодий фаолият учун ўзига хос замин вазифасини ўтайди.

Юқорида айтилганлардан англаш мумкинки, ҳар уччала йўналишнинг якуний натижаси бадиий образ, композиция ҳисобланади.

Бадиий педагогиканинг асосий дидактик принципларига композиция дарсларида ҳам устувор тарзда амал қилинади. Акс ҳолда композиция натижаси – мукамал бадиий ечимга эга бўлган образ яратишга оид назарий билим ҳамда амалий кўникмалар шаклланмай қолаверади. Айниқса, илмийлик ҳамда таълимни ҳаёт билан алоқадорлик принципи муҳим аҳамият касб этиди. Илмийлик принципи шунинг учун керакки, мукамал композиция тасвирий санъат қонуниятлари асосида яратилади. Унинг мазмуни эса муайян ҳаётий воқеликни акс эттириши лозим. Бу компетенция эса ҳаётий тажрибалар, кузатувлар, таҳлиллар ва синтезлаштириш орқали шакллантирилади. Шу тариқа талабаларда кузатилганлардан бадиий образ яратиш компетенциялари таркиб топтириб борилади.

“Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда якуний вариантга “озуқа” бўладиган материал йиғишга йўналтирилган машғулотларнинг ўрни беқиёс. Тасвирий санъат тарихидан маълумки, таниқли рассомлар доим ўзлари билан қоғоз ва қалам олиб юрганлар ҳамда улар

характерли бўлган объект, буюмларни қоралама қилиб юрганлар. Бу қораламалар охир оқибат муайян композиция учун, тасвирий образ учун ўзига хос “қурилиш материали” вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам “Композиция” дарсларини, айниқса, мустақил тарзда ўрганиладиган мавзулар тизимини муҳим компонентларидан бири сифатида қоралама, композиция эскизлари вариантларини ишлаш, хусусан, қоралама, этюд, эскиз каби машғулотларга кенг ўрин бериш лозим.

Бадиий педагогика соҳасидаги илмий адабиётларда композицион фаолиятга оид муаммоларни ёритилиши борасидаги материалларнинг таҳлилларидан аён бўладики, олий педагогик таълимнинг тасвирий санъат йўналишида “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда жараёнга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бу комплекс ёндашувнинг ҳар бир компоненти ҳам назарий, ҳам амалий мазмун касб этмоғи лозим. Амалий мазмун юқорида таъкидланган озуқа материалларини жамлаш билан боғлиқ бўлса, назарий мазмун соҳанинг махсус адабиётлари, умумпедагогик ва бадиий педагогикага оид манбалар, психология ҳамда методикага оид адабиётлар ва бошқа илмий-методик манбалар билан ҳамоҳанг бўлиши зарур. Айни пайтда соҳанинг хусусиятига кўра ҳар бир талабанинг индивидуаллигига кўра машқлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Шундагина композиция дарслари мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгаришлар, махсус ишлаб чиқилган машқлар тизими жараённинг ижобий самарасини таъминловчи омиллардан бири эканлиги аён бўлади. Шу ва бошқа омиллар талабаларда турли вариантлардаги композиция ечимларини топиш борасидаги компетенцияларини, жумладан, бадиий-эстетик идрок малакаларини такомиллаштириш жараёни мақсадга мувофиқ тарзда кечишини таъминлайди.

Олий педагогик таълимда “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан оптимал тарзда кенг фойдаланиш имкониятини тақдим этиш масаласи ҳам диққат марказида бўлиши зарур. Зеро, композиция вариантлари учун турли материаллар, эскиз ва қораламалар, этюдлар ишлашда ҳар хил материаллардан фойдаланиш назарда тутилади. Олий педагогик таълимда композицияни ўқитишнинг амалдаги ҳолатини таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кун талабаси кўмир таёқчалари, соус, пастель каби ифодавий воситалари кенг ва фойдаланиш учун қулай бўлган юмшоқ график материаллардан деярли фойдаланмайдилар. Шунингдек, том маънодаги таъсирчан материал – мойбўёқ ёки темпера, акрил бўёқларидан фойдаланиш амалиёти ҳам кам кузатилади. Бу

материаллардан фойдаланмасдан талабаларнинг ифодавий имкониятлари кенг, таъсирчанлик параметрлари юқори бўлган композиция вариантларини яратиш имкониятлари кескин чекланади. Шунинг учун “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда юқорида санаб ўтилган бадиий материаллардан фойдаланишга мўлжалланган машқлар тизими ишлаб чиқилишига устувор тарзда эътибор қаратиш талаб этилади.

Олий педагогик таълим тизимида “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштириш ҳамда мазкур фанни инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш борасида баён этилган мулоҳазаларни умумлаштириб таъкидлаш жоизки, аввало, талабаларда композицияга оид материал жамлаш, бунинг учун атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисалар, объект ва буюмларни эстетик идрок этиш асосида шаклланган таассуротларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, бу борада керакли маълумотлардан оптимал тарзда фойдаланиб тасаввурларнинг тасвирий талқинига бадиий образ сифатида мазмун киритиш, бу борада эстетик мушоҳада юритиш, композиция вариантларини якуний ечим сифатида ишлаш жараёнида пластик мукамаллик параметрларини татбиқ этиш компетенцияларни ривожлантириш бош мақсад сифатида қаралиши лозим.

Демак, “Композиция” фани мазмунини такомиллаштиришнинг асосий педагогик шарт-шароитлари қуйидагиларда ўз аксини топмоғи зарур:

биринчи навбатда такомиллаштириладиган мазмун талабаларда композицияга оид билимларни такомиллаштиришга йўналтирилиши зарур. Бу зарурият ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан талабаларнинг композиция яратишга оид тажрибаларини оширишга қаратилиши талаб этилади. Бу тажриба, аввало, атроф-муҳитни эстетик идрок этиш малакаларини ривожлантириш орқали воқеа ва ҳодисаларда бадиий образларни кўра билиш компетенцияларини ривожлантиришга қаратилади;

талабаларда композицияга оид назарий билим ва амалий малакаларни такомиллаштиришда дидактиканинг босқичма-босқич ривожлантириш принципига амал қилиб, ҳар бир босқичда сифат кўрсаткичлари ортиб бориши учун қулай муҳитни юзага келтириш лозим;

ҳар бир воқеликни эстетик ҳодиса сифатида идрок этишда талабаларда таҳлил қилиш, таққослаш, абстракциялаш, конструкциялаш, трансформациялаш ва яқунда умумлаштириш композиция яратишнинг асосий шартларидан бири эканлигини англаш ҳамда тасвирий фаолиятда унга онгли тарзда амал қилиш компетенцияларини таркиб топтириш;

композицион фаолиятнинг ёрдамчи функция бажарувчи компонентлари – кузатиш натижалари асосида материал тўплаш, улардан композиция вариантлари учун қоралама, эскизлар ва композиция вариантларини яратиш, бу жараёнда тасвирий санъатнинг қонуниятлари ва тасвирий-ифодавий воситаларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириб бориш. Буларнинг барчаси дидактик талаблар сифатида олий педагогик таълимда “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришнинг асосий параметрлари ҳисобланади ҳамда уларга монанд машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларга мос технологик ёндашувларни қўллаш талабаларда композицион фаолият сифати ва самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитларини ташкил этади.

## REFERENCES

1. Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты: рисунок, живопись, композиция. Учебное пособие для студентов пед. институтов.–М.: Просвещение, 1981.
2. Дроздов С.А. Специальные упражнения по композиции как средство развития образного мышления студентов-заочников 1-2 курсов художественно-графических факультетов. Дис. канд.пед. наук. – М.: 2001.